

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

10/S-son (4-jild)

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/10 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

Саидов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ходим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулов Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизиллович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Аҳмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Эргашев Икром Абдурасулович – юридик фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

Норматов Бекзод Акром ўғли – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, Тошкент давлат юридик университети.

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги

Тошкент давлат педагогика университети,
Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология
фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги
Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна –
психология фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари
доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт
бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология
фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари
доктори, профессор, Ўзбекистон миллий
университети;

Содиқова Шоҳида Мархабобовна – социология
фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
халқаро ислом академияси.

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар
доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор,
Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар
доктори, доцент, Ўзбекистон миллий
университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

07.00.00 – TARIX FANLARI

Norbekov Ahmadjon Norbekovich

XX-ASRNING BIRINCHI YARMIDA O'ZBEKISTONNING SIYOSIY -IJTIMOIY VA IQTISODIY

HOLATI 11-18

Eliboyev Ozodjon Po'lat o'g'li

BAQTIRIYANING KUSHONIYLAR DAVRI SHAHARSOZLIGI VA ME'MORCHILIGI..... 19-23

Нуритдинова Нодира Сирожовна

XX-АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ (СЕНАТОР К.К. ПАЛЕН

ТАФТИШ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)..... 24-28

Чориев Шоҳрух Холтура ўғли

ЎРТА ОСИЁ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА САРОЙ АРХИТЕКТУРАСИ ИЖТИМОИЙ

СТРАТИФИКАЦИЯНИ ЎРГАНИШ МАНБАСИ СИФАТИДА 29-38

Жумаева Шоира Бердияровна

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА

МУҚАДДАС ҚАДАМЖО ВА ЗИЁРАТГОҲЛАРНИНГ ЎРНИ 39-43

Jo'rayev Muxriddin Xasanovich

MOVAROUNNAHRLIK MUHADDISLARNING ILMIY SAFARLARI VA SAFAR YO'LLARI

GEOGRAFIYASI..... 44-51

Муқимова Рисолат Рустамжон қизи

ЗИЁРАТ МАРОСИМЛАРИДА ТАБИАТ КУЛЬТИ БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТЛАР 52-56

08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI

Абдуллаев Алтинбек Янгибаевич

ДОННИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИДА ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИ БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИНГ

ИЛМИЙ – МЕТОДОЛОГИК ЁНДОШУВИ 57-69

Baxriddinova Yulduz Baxriddinovna

MINAQALARDA FARMATSEVTIKA SANOATINI RIVOJLANTIRISHNING ZARURIYATI 70-75

Matkarimov Inomjon Baxtiyorovich

QISHLOQ XO'JALIK MAHSULOTLARINI YETISHTIRISHDA AGROBIOKIMYO XIZMATLARINI

TAKOMILLASHTIRISHNING OBYEKTIV ZARURATI 76-86

Ибадуллаев Дилшад Ибрагимович

ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИЯТИНИ МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИНИ

ЭКОНОМЕТРИК БАҲОЛАШ АСОСЛАРИ 87-92

Исламтудинова Дина Файзрахмановна

АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ АГРОПРОМЫШЛЕННОГО КОМПЛЕКСА РЕСПУБЛИКИ

УЗБЕКИСТАН 93-102

Qobiljon Isaev

O'ZBEKISTONNING JAHON SAVDO TASHKILOTIGA (JST) A'ZO BO'LISHINI IQTISODIY

BAHOLASH 103-110

09.00.00 – FALSAFA FANLARI*Xaitov Elmurod Bekmurodovich*

O'ZBEKISTONDA "AHOLI HAYOT SIFATI"GA ASOSIY YONDOSHUVLAR: MUAMMO VA YECHIMLAR (IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLIL) 111-116

Расулов Зоҳиддин Усарович

СПОРТ ЭСТЕТИКАСИ: РИТМ, ХАРАКАТ ВА МАДАНИЯТНИНГ УЙЎНЛИГИ 117-122

Тавмурадов Жамшид Элмурадович

АБДУЛҚОДИР БЕДИЛНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ: ФАЛСАФА ВА АДАБИЙ МЕРОС 123-128

Davronov Otabek Ulug'bek o'g'li

YUSUF QORABOG'IIY SHAXSIYATI VA FALSAFIY-ILMIY MEROSI 129-132

Muxtorova To'tixon Solijonovna

FALSAFA FANINI O'QITISHDA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR: METODLAR VA AMALIYOTLAR 133-137

Akramov G'iyosiddin Najmiddinovich

MARGINALLASHUV TUSHUNCHASINING IJTIMOIIY-FALSAFIY TAHLILI 138-142

Ahmedova Dilrabo

DINIY BAG'RIKENGLIKNING YOSHLAR IJTIMOIIY, MA'NAVIY QIYOFASI SHAKLLANISHIDAGI IJTIMOIIY POTENSIALI 143-150

11.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI*Abdunabiyev Sunnat Botirovich*

IBN BATTUTANING «SAYOHATNOMA» ASARIDA TARIXIY SHAXSLAR NOMINING TARJIMADA BERILISHI 151-159

Seytnazarova Injayim

ADABIYOTSHUNOSLIK SOHASIDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH TAHLILI 160-168

Tukhtakhodjaeva Zulfya

PHRASEOLOGY AS A SUBSYSTEM OF THE ENGLISH VOCABULARY 169-174

Abdusalamov Doniyor Togayali ogli

REFLECTION OF THE CONCEPT OF «POLITENESS» IN THE PHRASEOLOGICAL AND PAREMIOLOGICAL RESERVOIRS OF THE COMPARED LANGUAGES 175-179

Axmedov Anvar Botirovich

TILNING NOMINATSIYA TIZIMIDA O'ZLASHMA SO'ZLAR 180-184

Aminov Farrukh Komiljon Ugli

THE EVOLUTION OF MEDIA DISCOURSE: FROM TRADITIONAL FORMS TO MULTIMODAL REPRESENTATIONS IN DIGITAL SPACES 185-193

Sharipov Bobur Salimovich

RETSIPROKLI SEMANTIK DERIVATSIYA 194-201

Abduganiyeva Zebuniso Abduhafizovna

ILMIY DISKURSNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI 202-205

Samatov Farxod Muminovich

O'ZBEK VA INGLIZ TILIDA "TV" SEMANTIK MAYDONI LEKSIK BIRIKLARINING SO'Z YASALISH XUSUSIYATLARI (ABBREVIATURALAR MISOLIDA) 206-210

Kendjayeva Zemfira

METAFORIK POLISEMIYANING LINGVISTIK YUMORI..... 211-216

Abdullayeva Nilufar Ramazonovna, Uzoqova Durdona Baxtiyor qizi

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA «HID», «IS» KONSEPTINING SEMANTIK TAHLILI 217-221

Saydullayeva Dilrabo Ilxom qizi

ALISHER NAVOIYNING "NASOYIM UL-MUHABBAT" TAZKIRASI VA SULAMIYNING "TABAQOT US-SUFIYA" ASARLARI O'RTASIDAGI MUSHTARAKLIKLER 222-226

Шарапова Лола Станиславовна

ИЛЛЮЗИЯ И РЕАЛЬНОСТЬ В КОНТЕКСТЕ МАГИЧЕСКОГО РЕАЛИЗМА..... 227-232

Ҳакимова Мастура Файзиллаевна

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК МАҚОЛЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ДУНЁ ТАСВИРИНИ АКС ЭТИШДАГИ АҲАМИЯТИ ВА ЛЕКСИК МАЪНОНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (КЕНГАЙИШИ) 233-239

Mo'soyeva Hayitgul O'roqovna

"HEART" – "YURAK" SO'ZLI METAFORALARNING INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI KOGNITIV TAHLILI 240-245

Mamataliyeva Navbahor Xujamberdiyevna

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA TEZ AYTISHLARNING STRUKTURAVIY TAHLILI 246-250

Багаутдинова Ильмира Салаватовна

ВЛИЯНИЕ РОДНОГО ЯЗЫКА НА ПРОИЗНОШЕНИЕ В ИЗУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ 251-255

12.00.00 – YURIDIK FANLAR

Nuraliyev Oyatillo Abduvaliyevich

EFFECTIVE PRACTICES FOR DRAWING YOUNG TALENT TO UZBEKISTAN'S PUBLIC CIVIL SERVICE 256-268

Алиев Асилбек Кадирович

ВОПРОСЫ ОТГРАНИЧЕНИЯ МАССОВЫХ БЕСПОРЯДКОВ И ГРУППОВОГО ХУЛИГАНСТВА 269-275

Hong Weixing

INTERNATIONAL LAW AS THE FOUNDATION FOR THE DEVELOPMENT OF TRADE AND ECONOMIC RELATIONS BETWEEN UZBEKISTAN AND CHINA 276-284

Султанова Сабохат Алишеровна

ПЕРСПЕКТИВЫ ДАЛЬНЕЙШЕГО РАЗВИТИЯ ОЦЕНКИ РЕГУЛЯТОРНОГО ВОЗДЕЙСТВИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН 285-290

Jonuzoqova Yulduz Izzatulla qizi

O'ZBEKISTONNING AXBOROT TEXNOLOGIYALARI SOHASIDAGI TRANSMILLIY JINOYATLARGA QARSHI KURASH MASALALARI 291-298

Абдусамиева Дилрабо Абдувахоб кизи

ПРЕВЕНТИВНАЯ ФУНКЦИЯ ПОСТПЕНИТЕНЦИАРНОЙ РЕСОЦИАЛИЗАЦИИ 299-304

Khalikov Khayot

THE ROLE OF MODEL UNITED NATIONS IN SHAPING GLOBAL LEADERS AND LAWYERS: A CASE STUDY ON UZBEKISTAN'S YOUTH 305-311

Даулетова Динара Даулетовна

ПРИЧИНЫ И УСЛОВИЯ, СПОСОБСТВУЮЩИЕ ХИЩЕНИЮ ЧУЖОГО ИМУЩЕСТВА.. 312-317

13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI

Толипов Бахтиёр Хамитович

БЎЛАЖАК ИҚТИСОДЧИЛАРДА АНАЛИТИК ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ВОСИТАЛАРИ 318-324

Собирова Гулибарно Зайнитдин қизи

ТЕХНОЛОГИИ РАЗВИТИЯ НАВЫКОВ КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ НА УРОКАХ
РУССКОГО ЯЗЫКА 325-335

Xolmatova Ziroatxon Anvarovna

BO'LAJAK O'QITUVCHILARNING TASHXISLASH KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHDA
INNOVATION-METODOLOGIK YONDASHUVLAR 336-339

Abduxoliqov Sardor Safarovich

YOSH DZYUDUCHILARNI JISMONIY SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHDA HARAKATLI
O'YINLARNING O'RNI 340-344

Usmonova Mohizoda Avazjon qizi

GLOBOL TA'LIM MUHITIDA TALABALARNING MULOQOT MADANIYATINI INTEGRATIV
YONDASHUV ASOSIDA RIVOJLANTIRISH TIZIMI 345-348

Xodjiyeva Zumrad

MEZONLARGA ASOSLANGAN BAHOLANISHNING CHEKLANGAN DOIRASI 349-352

Turdiyev Ismoil Allayorovich

OLIY TA'LIM HAYOTIDA MA'NAVIY-MA'RIFIY ISHLARNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI
HAQIDA 353-358

Ibadullaev G'ayrat Akmuradovich

BO'LAJAK FIZIKA-ASTRONOMIYA O'QITUVCHILARINING KOMPETENTLIGINI
RIVOJLANTIRISH METODLARI 359-364

Ishonkulov Sherali Sharifovich

TALABALARNING IJODIY QOBILİYATLARINI RIVOJLANTIRISH VOSITASI SIFATIDA RAQAMLI
DASTURLARDAN FOYDALANISH 365-372

Raxmatov Rafik G'ayratovich

IMKONIYATI CHEKLANGAN O'QUVCHILAR RIVOJLANISHIDA TURMUSH TARZINI
SOG'LOMLASHTIRISH KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK
IMKONIYATLARI 373-378

Xalmuratova Shaxnoza Bekmurzaevna

BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINFI O'QITUVCHILARINING RISKOLOGIK MADANIYATINI
SHAKLLANTIRISH TAMOIYILLARI 379-383

Meliboyeva Nodira Qaxramanjanovna

MIRSODIQ TOJIYEV MEROSI (CHANG UCHUN YARATGAN ASARLARI MISOLIDA) 384-387

Qodirov Mirjalol Tolmasovich

TA'LIMDA GIPERMATNLI AXBOROT MODELLARINI QURISHNING ZAMONAVIY
TEKNOLOGIYALARI VA ASPEKTLARI 388-392

Karimova Aziza

BO'LAJAK O'QITUVCHILARNI SCAMPER TEXNIKASI ORQALI BOLALARNING KREATIV
TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHGA O'RGATISH METODIKASI 393-399

Nishonov Nodir Alimjanovich

BO`LAJAK O`QITUVCHILARDA FUTUROLOGIK TAHLIL QILISH KO`NIKMALARINI

RIVOJLANTIRISHNING MUHIM ASPEKTLARI 400-404

Xidirova Durdona Muxtorovna

SINERGETIK YONDASHUV ASOSIDA O`QUVCHI QIZLARNI IJTIMOIMADANIY

MUNOSABATLARGA TAYYORLASH MEKANIZMLARI 405-408

Received: 10 December 2024

Accepted: 15 December 2024

Published: 25 December 2024

Article / Original Paper

THE IMPORTANCE OF LEXICAL MEANING DEVELOPMENT (EXPANSION) IN REFLECTING NATIONAL WORLDVIEWS IN ENGLISH AND UZBEK PROVERBS

Khakimova Mastura Fayzillayevna

Termiz State Pedagogical Institute, Teacher of the Department of foreign languages for humanitarian directions

E-mail: hakimovamastura01@gmail.com

Abstract. This paper explores the development of lexical meaning in English and Uzbek proverbs and analyzes how both languages reflect their national worldviews. The process of developing lexical meanings involves shifts from direct meanings to figurative ones, accomplished through rhetorical devices such as metaphor and metonymy. The article demonstrates how cultural values and worldviews are expressed through proverbs in both English and Uzbek. Furthermore, it examines how lexical expansion, idiomatic expressions, and historical development influence language. This study helps to understand the connection between language and culture and how national perspectives are shaped through proverbs.

Keywords: Lexical meaning, English proverbs, Uzbek proverbs, National worldview, Metaphor, Figurative language, Culture, Polysemy, Idiomatic expressions, Metonymy, Historical development, Cultural values.

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК МАҚОЛЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ДУНЁ ТАСВИРИНИ АКС ЭТИШДАГИ АҲАМИЯТИ ВА ЛЕКСИК МАЪНОНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (КЕНГАЙИШИ)

Ҳакимова Мастура Файзиллаевна

Термиз давлат педагогика институти, Гуманитар йўналишларда хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек маталларида лектик маъно ривожланиши ўрганилади ва ҳар икки тилнинг миллий дунёқарашларини қандай акс эттириши таҳлил қилинади. Лектик маъноларни ривожлантириш жараёни, бевосита маънолардан фигуратив маъноларга ўтиш, метафора, метонимия каби нутқий воситалар орқали амалга ошади. Мақола инглиз ва ўзбек тилларидаги маталлар орқали, маданий қадриятлар ва дунёқарашлар қандай ифодаланишини кўрсатади. Шунингдек, лектик маъно кенгайиши, идиоматик ифодалар ва тарихий ривожланишнинг тилга қандай таъсир қилиши таҳлил қилинади. Бу тадқиқот, тил ва маданият ўртасидаги боғлиқликни, шунингдек, маталлар орқали миллий қарашларнинг қандай шаклланишини тушунишга ёрдам беради.

Калит сўзлар: Лектик маъно, инглиз маталлари, ўзбек маталлари, миллий дунёқараш, метафора, фигуратив тил, маданият, полисемия, идиоматик ифодалар, метонимия, тарихий ривожланиш, маданий қадриятлар.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI10Y2024N30>

Кириш. Лектик маънони ўрганиш тилнинг ривожланишини ва маданий қарашларни қандай ифодалашини тушунишда муҳим рол ўйнайди. Хусусан, мақолларда

мавжуд бўлган лексик маънолар миллий дунёқарашларини англаш имконини беради, чунки бу мақоллар кўпинча жамиятнинг қадриятлари, ишончлари ва тарихий тажрибалари ҳақида маълумот беради. Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек мақолларида лексик маъно ривожланиши ўрганилади ва бу мақоллар ҳар бир маданиятнинг миллий дунёқарашлариники қандай акси эттириши ва шакллантириши таҳлил қилинади. Лексик маъно кенгайишининг аҳамияти, жумладан унинг тарихий ривожланиши, полисемия, метафораик ўзгаришлар ва фигуратив ҳамда тўғридан-тўғри маънолар орасидаги ўзаро таъсир орқали ўрганилади.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Виктор Петрович Жирмунский Жирмунский рус тилидаги фразеологизмларнинг структураси ва маъно ривожланишини ўрганган ва фразеология соҳасида катта хидмат қилган олимлардан бири. Унинг фразеологизмларнинг метафора ва метонимия орқали маъноларининг кенгайиши, яъни полисемия жараёнига қаратилган тадқиқотлари муҳимдир [4,165]. Юрий Д. Апресян Юрий Апресян рус тилидаги фразеологизмларнинг семантик таҳлили бўйича тадқиқотлар олиб бorgan. У фразеологизмларнинг маъноларини ва уларнинг полисемиясини структуралаштиришга муҳим аҳамият берган. Унинг ишлари тилдаги бир неча маъноли фразеологизмларни тушунишга ёрдам беради. [5,16]. Кўпгина олимлар, шу жумладан Д.А.Срусе ҳам контекстга асосланган полисемиянинг шу каби жиҳатлари ҳақида айтиб ўтишган. Тилшунос, сўз ма'носи контекст орқали ифодаланаишини та'кидлайди [1,187]. Шунингдек, тилшунослар фразеологик бирликларнинг қанчалик тез-тез ишлатилиши, контекстда қўлланилиш частотаси қанчалик юқори бўлса, унинг семантик таркибини ташкил қилувчи вариантлари сони шунчалик кўп бўлади, я'ни полисемантиклиги ошаверади деб та'кидлайдилар. Инглиз ва ўзбек тилларида полисемантик фразеологик бирликларнинг асосий фразеологик ма'носи ҳам кўчма ма'нода еканлиги, бунинг сабаби еса асосий ма'но ҳам ма'лум образ асосида кўчма ма'но шаклида намоён бўлиши айтиб ўтилади. Демак, фразеологик бирликнинг табиати денотатив ма'нони истисно қилади ва полисемантик фразеологияда ҳам айнан ифодаланаётган фразеологик бирликнинг кўчма ма'нолари орасида боғлиқлик мавжуд деб ҳисобланади [2,156]. Тилшунос Г.Е.Ҳакимова ҳам фразеологик полисемия ҳақида тўхталар екан, унинг фразеологик синонимия билан ўхшаш ва фарқли томонларини кўрсатиб ўтган [3,126].

Инглиз ва ўзбек маталларидаги лексик маъноларни таҳлил қилиш учун таққослаш услубидаги сифатли ёндашув қўлланилади. Аввало, ҳар бир тилдаги лексик маъноларни ривожланиши ва кенгайиши кўриб чиқилади. Бу, маъноларнинг тарихий ўзгаришларини (етимологик маънолар) ўрганишни, шунингдек, замонавий ишлатишни ўз ичига олади, бунда фигуратив ва тўғридан-тўғри маъноларнинг маталлар таъсирига қандай ҳисса қўшиши таҳлил қилинади. Мақолада, шунингдек, лексик маъноларнинг метафора, метонимия ва бошқа нутқий воситалар орқали қандай узатилиши ўрганилади. Ҳар иккала тилдан бир нечта маталлар танланиб, умумий мавзулар, лексик ўзгаришлар ва бу ўзгаришларнинг маданий ҳақиқат тасаввурлари билан қандай боғланиши аниқланади.

Муҳокама. Лексик маъно тилнинг тараққиёти давомида ҳам сифат, ҳам микдор жиҳатидан ўзгаради. Шу асосда лексик маъноларни ҳозирги лексик маъно ва аввалги лексик маъно деб икки гуруҳга ажратиш мумкин. Тилнинг ўтмиш тарихий боскичига

хос, ҳозирги луғат бойлиги таркибида қатнашмайдиган лексик маъно аввалги лексик маъно дейилади. Аввалги лексик маъно икки хил бўлади:

1. Эски лексик маъно
2. Этимологик лексик маъно

Эски лексик маъно тарихий лексикологияда ўрганилади. Ҳозирги лексик маънони ўрганувчи соҳа тасвирий лексикология дейилади. Тил тараққиётининг ўрганилаётган босқичига хос лексик маъно ҳозирги лексик маъно дейилади. Ҳозирги лексик маънолар бош маъно ва ҳосила маъно, тўғри маъно ва кўчма маъно, номинатив (номловчи) маъно ва фигурал (мажозий) маъно деб бир неча нуктаи назардан тасниф қилинади. Бу таснифлар бири иккинчисини истисно қилмайди, балки айтиб бир ҳодисага ҳар хил ёндашишни кўрсатади. Лексик маънонинг юқоридагича турлари полисемантик лексемалар асосида белгиланади. Лексик маънолар системасида, аввало бош маъно ва ҳосила маъно фарқ қилинади.

Бошқа бир лексик маънонинг юзага чиқиши учун асос бўлган маъно бош маъно дейилади. Бош маънонинг тараққиёти билан юзага чиққан лексик маъно ҳосила маъно дейилади. Лексик маънолари системасидаги бирламчи лексик маъно тўнғич бош маъно дейилади. Ўзидан кейинги лексик маънонинг тараққий этиб чиқиши учун асос бўлган ҳосила маънонинг тараққий этиши дейилади. Масалан: *open* лексемасининг бош маъноси – “not closed”. Масалан, *open the door, to open the book*. Қуйидаги маънолар шу бош маънодан тараққий этиб чиққан ҳосила маънолардир.

- 1) *to speak openly* («тушунарли қилиб», «аниқ» «яширмай»);
- 2) очиқ одам («хушмомала»);
- 3) очиқ бўғин («унли билан тугаган»), *open – minded*.

Баъзи ҳолларда лексеманинг тўнғич бош маъноси аслида ҳосила маъно бўлиб чиқади. Бундай лексеманинг аввалги маъноси унутилиб, этимологик маънога ёки эски маънога айланган бўлади.

Натижалар. Лексик маънолар яна тўғри маъно ва кўчма маъно деб ҳам иккига гуруҳланади. Лексеманинг бош лексик маъноси одатда тўғри маъно бўлади.

Ҳосила маъно одатда кўчма маъно бўлади. Маънони кўчириш асосида ётган образ сўниши, унутулиши мумкин. шунга қарамай бундай маъно кўчма маъно деб қаралаверади. Масалан, *leg of the table*.

Лексик маъно (номинатив (номловчи)) маъно ва фигурал (мажозий) маъно деб ҳам фарқ қилинади. Масалан, *key* – (кулфнинг калити – номинатив маъно (очиқ) *key of the knowledge* фигурал маъно.

Номинатив маъно бирор нарса белги ёки ҳаракатнинг номи бўлиб хизмат қилувчи лексик маънодир. Номинатив маъно воқелик билан бевосита боғланади. Фигурал маъно образлилик, мажоз ҳосил этиш учун хизмат қилади.

Фигурал маъно баъзан худди номинатив маънодек гавдаланади. Шу маънони англатувчи лексема (номинатив маъно) бўлмайди, топилган изоҳ ҳам бирор лексеманинг фигурал маъноси бўлиши мумкин.

Лексеманинг тўнғич бош маъноси номинатив маъно бўлади. Ҳар бир лексемада тўнғич бош маъно битта, аммо номинатив маъно бир нечта бўлиши мумкин. Чунки номинатив маънони белгилашда воқелик билан бевосита боғланишнинг мавжуд

бўлиши, шу маъно воқеликнинг номи бўлиши шарт қилиб қўйилади. Бу талабга тўғри боти бош маънодан ташқари ҳосила маъно ҳам жавоб бериши мумкин.

Ҳар бир мустақил лексема номинатив маъно англатади. Шу билан бирга, номинатив маъно унутилади ҳам. Номинатив маъноси унутилган, йўқолган лексема жуда тор лексик контекстли бўлиб, маълум бир лексема қуршовида келади. Натижада бу лексеманинг лексик маъноси шу контекст доирасидагина изоҳланади.

Номинатив маъноси сўнган лексемалар асосан эскирган лексемаларга, ясаиш жиҳатидан боғланишини йўқотган лексемаларга тўғри келади: *сўнмоқ* (*буйсунмоқ* – *буйин сунмоқ*) каби.

Тил тарихига, жамиятнинг моддий бойлик тарихига асосланиб туриб, шунингдек, лексеманинг асл морфемик тузилишидан келиб чиқиб тикланадиган лексик маъно этимологик лексик маъно дейилади. Буни тикланувчи маъно деб ҳам номлаш мумкин.

Этимологик лексик маъно ҳақида гапириш учун маълум бир лексик маъно тараққиётга учраб, аввалги лексик маъносини йўқотган бўлиши ва бу йўқолган лексик маънони тил тарихи асосида, жамият тарихи асосида тиклашга имконият мавжуд бўлиши керак. Бундай лексема қисман туб, кўпинча ясама бўлади.

Этимологик лексик маънони тиклаш туб лексемалага нисбатан ясама лексемаларда анча енгил бўлади. Чунки ясама лексема таркибидаги лексема билан морфема этимологик маънони озми – кўпми кўрсатиб туради.

Лексик контекст. Полисемантик лексеманинг ҳар бир лексик маъноси маълум семантик доирага мансуб лексемалар билан боғланиш жараёнида намоён бўлади. Лексик маънонинг намоён бўлишида зарур шароит бўлиб хиз-мат қилувчи бундай лексемалар лексик контекст дейилади. Масалан: *a cut- n.*

1. *Act of cutting, stroke with a sword, result of such a stroke, a deep cut in the leg, cuts on the face after shaving.*

2. *Reduction in size, amount, length etc. A cut in prices (salaries a cut in production; verb: to cut the meat); Cut лексемаси stroke, deep сифатларига, in prices, in production, meat лексемаларига боғланиб келади.*

Кўринадики, ҳар бир лексик маънонинг ўз лексик контексти бор. Бундай лексик контекст баъзи маънода кўпроқ лексемадан, баъзи лексик маънода эса озроқ лексемадан ташқил топади. Шу асосда кенг лексик контекст ва тор лексик контекст бўлади.

Семантик боғланиш. Ҳар қандай синтактик боғланиш асосида семантик боғланиш ётади. Синтактик боғланиш ҳам, семантик боғланиш ҳам айни вақтда полисемантик лексеманинг айрим-айрим лексик маънолари бўйича амалга ошади. Ўзаро синтактик алоқага киришувчи лексик маъноларнинг семалари таркибида бир-бирига зид мазмунли семалар бўлмаслиги лозим. Семантик боғланувчи лексик маънолар таркибида умумий (бир хил) сема бу лексик маъноларнинг семантик боғланишининг ва бир – бири учун яқин лексик контекст бўлиб келишини таъминлайди.

Сема. Лексема тил бирлигининг, лексик birlikнинг номи. Лексема-нинг мазмун плани семема деб юритилади. Лексеманинг мазмун планида асосий ҳодиса – лексик маъно; айни вақтда услубий баҳо семаси, туркумлик семаси ҳам ҳисобга олинади. Демак, семема билан лексик маъно тушунчалари тенг эмас. Бундан ташқари, кўп маъноли

лексемада ҳар бир лексик маъно ўзича лексик контекстга эга бўлади, ҳар бир лексик маъно грамматик табиатига кўра ҳам фарқли бўлиши мумкин.

Ҳар бир лексик маънонинг ўзига хос хусусиятлари сифатида услубий семаси билан фарқ қила олиши, синонимик муносабатга, антономик муносабатга кириша олиниши, янги лексема ҳар бир лексик маънодан ясалишини ҳам таъкидлаш лозим. Агар лексема бир маъноли бўлса, юқоридаги белги хусусиятлар лексемага муносиб бўлади ва бундай лексема бир тил бирлигига (лексик бирликка) тенг деб қаралади. Агар лексема кўп маъноли бўлса, бу белги хусусиятлар ҳар бир лексик маъно бўйича айрим-айрим мавжуд бўлади. Бунда ҳар бир лексик маъно ўзича тил бирлиги (лексик бирлик) деб қаралади. Асли ана шундай бирлик семема дейилади.

Луғавий маънонинг тараққий этиши, ривожланиши фраземаларга ҳам хос. Ҳозирги ўзбек тилидаги фраземаларда луғавий маъно асосан метафора йўли билан кўчириш натижасида тараққий этган. Масалан, “кўнглига тегмоқ” фраземаси «ёқмай қолмоқ» маъносини англатади.

Инглиз тилидаги фраземалар эса метофора, метонимия, гипербола, ўхшатиш, перифраз йўллари билан кўчириш натижасида тараққий этган. Масалан, *a long duck, in a nutshell* (метафора), *maiden speech* (эпитет), *black frost* (перифраз).

Мисоллар: *Kitty was not crying now. She was dry-aged, calm and though his voice was loud it was steady. “Do you want me to go?” “It’s Hobson’s choice isn’t it?” (no choice at all because there is only one thing to take or do). (S. Maugham)*

Бир фраземага хос маънонинг тараққиёт натижасида фразеологик маънонинг микдори ўзгаради. Бир фразеологик маъно асосида иккинчи фразеологик маънонинг туғилиши икки хил ҳодисага – полисемияга ёки омонимияга сабаб бўлади. Фразеологик маънонинг тараққиёти билан туғилган омонимия жуда оз. Фраземаларнинг кўпи моносемантик характерга эга. Масалан, “*a labour of Hercules*” «хаддан ташқари оғир меҳнат» маъносини англатади.

Полисемантик фраземалар ҳам анчагина бўлиб, уларнинг кўпи икки ва уч маънолидир. Масалан, инглиз тилидаги “*Clean State*» фраземаси:

1. Ёмон одатларни ташлаб, янгидан ҳаёт бошлаш
2. Эски қарзлардан қутилиб, ҳаммасини янгидан бошлаш маъносини англатади.

Фразеологик полисемия деганда фраземанинг ўзи икки ва ундан ортиқ луғавий маъно англатиши тушунилади. Ўзаро шаклан ўхшаш эркин боғланмадан ва фраземадан англашиладиган маънолар бир нуктага бирлаштирилиб, полисемия деб қаралмайди. Чунки булар ҳар хил ҳодисалардир: эркин боғланма – матн бирлиги, фразема – тил бирлиги. Эркин боғланма билан фраземанинг шаклан тенг келиши ҳодисаси омонимлик деб юритилади. Масалан, инглиз тилидаги *Turn the tables* – яъни *вазиятни ўзгартирмоқ* маъносидаги фразема ҳам мавжуд. Фраземанинг луғавий маъноси бирдан ортиқ бўлса, худди лексемаларда қилингандек, бош маъно ва ҳосила маъно белгиланади: масалан, инглиз тилидаги *Call the shots* фраземаси *to be in control* яъни *назорат қилмоқ* ёки *to give orders* “бошқармоқ, буйруқ бермоқ” маъноларини англатади. Биринчиси – бош маъно, иккинчиси – шундан ўсиб чиққан ҳосила маъно.

Лексемада бош лексик маъно, одатда тўғри маъно бўлади. Фраземада эса бош фразеологик маъно кўчма маъно бўлади. чунки фраземанинг бош маъноси ҳам ҳосила маъноси каби, устама кўчма маъно тарзида гавдаланади, маълум образга асосланади.

Демак фраземанинг табиати тўғри маънони истисно қилиб қўяди. Фразеологик маънолар ҳам, худди лексик маъноларда бўлганидек, ўзига хос контекстда номоён бўлади. полисемантик фраземанинг маънолари ўзаро луғавий маъносидан ташқари, лексик контекстида, грамматик табиатида фарқланади: “ютқизмоқ”, “йўқотмоқ”, “беҳуда, бефойда ўтказмоқ”, “ошкор қилмоқ”.

Ҳар уч маъно турлича лексик контекстда намоён бўлади. Биринчисида қиморни, иккинчисида вақтни, учинчисида эса сирни англатувчи лексема билан ишлатилади. Бу фраземанинг луғавий маъноларида лексик контекст фарқи, аммо грамматик табиат бир хил.

Фразосемема. Семема термин билан фақат лексеманинг мазмун плани номланмай, фраземанинг (шунингдек, морфеманинг) мазмун плани ҳам номланаётир. Бу уч хил бирлигига хос семемаларни лексосемема, фразосемема ва морфосемема деб фарқлаш мумкин.

Худди лексемаларда бўлганидек, фразема бир маъноли бўлса, у тил бирлигига (бир фразеологик бирликка тенг) бўлади. Агар фразема полисеман-тик бўлса, унинг ҳар бир фразесемемаси ўзича алоҳида тил бирлигига (алоҳида фразеологик бирликка тенг) бўлади, чунки худди лексемаларда бўлганидек, ҳар бир фразосемема ўзига хос луғавий мундарижага (идеографик семалар йиғимига) эга, ўрни билан хос услубий (эмоционал экспрессив) семага эга бўлади. Булардан ташқари, ҳар бир фразосемеманинг ўзига хос лексик контексти, грамматик табиати бўлиши мумкин. Ҳар бир фразосемема мустақил равишда бошқа луғавий бирлик (фразеологик, лексик бирлик) билан синонимик, антономик муносабат ҳосил этиши мумкин. Луғавий бирликларни яхлитлигича бир системага бирлаштириш қийин. Шунга қарамай, луғавий бирликлар турли мезонлар асосида ҳар хил гуруҳланади, системаларга бирикади.

Луғавий бирликларнинг энг йирик семантик гуруҳланиши деганда тематик гуруҳларга бирлаштириш тушунилади. Том маънодаги лингвистик гуруҳлаш деб тематик гуруҳ таркибида ажратилувчи лексик – семантик гуруҳларга айтилади. Тематик гуруҳлардан фарқли қолда, лексик-семантик гуруҳлаш луғавий бирлик англатадиган маънога суянади, яъни интралингвистик фактор асосида амалга оширилади. Иккинчидан лексик- семантик гуруҳлаш фақат от туркуми билан чекланмай, бошқа туркум лексемалари бўйича ҳам амалга оширилади. Масалан, сифат лексемалар ранг-тус билдирувчи сифатлар, таъм – маза билдирувчи сифатлар каби лексик-семантик гуруҳларга бирлаштирилади. Тил бирликларини синонимлар, антонимлар деб бирлаштириш – семантик системалаш лексик семантик гуруҳлашда охириги гуруҳланиш ҳисобланади ва семантик микросистема деб юритилади.

Хулоса. Инглиз ва ўзбек маталларидаги лексик маъно ривожланишини ўрганиш тилнинг динамик ва ривожланаётган табиатини ёритади. Маталлар ўзларининг тегишли маданиятларининг қадриятлари ва қарашларини акс еттирганлиги сабабли, лексик маъноларни кенгайтириш жараёни ҳар иккала тилнинг тарихий, ижтимоий ва маданий таъсирларни қандай ўз ичига олишини кўрсатади. Маталларда фигуратив тилни ишлатиш лексик маъноларни фақат тўғридан-тўғри маънолардан четга чиқиб, кенгроқ ва абстракт тушунчаларни қамраб олиш ёлларини намоён этади. Бу жараён нафақат тилдан фойдаланишни бойитади, балки миллий дунёқарашларнинг қандай шаклланиб, тил орқали ифодаланишини чуқурроқ тушунишимизга ёрдам беради.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Cruse A. D. Meaning in Language, An Introduction to Semantics and Pragmatics. – Oxford: Oxford Universiti Press, 2000.
2. Tursunov U., Muxtorov J. Hozirgi o'zbek adabiy tili. – Toshkent: Fan, 1975.
3. Hakimova G.E. Frazеologik birliklarning lingvokulturologik aspekti. – Toshkent, 2018.
4. Виктор Петрович Жирмунский. «Русский язык. Лексика и фразеология» 1954.
5. Апресян Ю. Д. Избранные труды. Том I. Лексическая семантика. 1970.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/10 (4) – 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).